

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
ҚАРОРИ**459** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ–2455-сонли қарорига ўзгартиш киритиш ҳақида

Маҳаллий бюджетларни янада оптималлаштириш ва даромадларини ошириш, тадбиркорлик субъектларига алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун рухсатномалар бериш бўйича сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ–2455-сонли қарори 22-иловасининг «***» изоҳи (ҳаволаси) қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«***Алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш, шу жумладан умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоғолли маҳсулотлар сотиш ҳуқуқи учун йиғим ягона ҳисобвараққа келиб тушади, кейинчалик маблағлар бюджет ва тадбиркорлик субъектларига «ягона ойна» принципига биноан давлат хизматлари кўрсатувчи ягона марказ ўртасида, Тошкент шаҳрида эса бюджет ҳамда Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш департаменти ўртасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибда тақсимланади.

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим тўлиқ бюджет ҳисобига ўтказилади».

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти вазифасини бажарувчи

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 23 сентябрь,
ПҚ–2610-сон